

Халқ оғзаки ижоди ва унинг миллий маданиятдаги ўрни

Ёрматов Аброр

Камолиддин Беҳзод номидаги

Миллий рассомлик ва дизайн институти

“Мультфильм ва компьютер мультипликацияси” ихтисослиги 2 босқич талабаси

Аннотация

Ушбу мақолада халқ оғзаки ижодининг ўрганилиш тарихи ҳамда бугунги кундаўзбек анимацияси ривожида тутган ўрни, шунингдек тарихий маданиятимизни ўзида акс эттирган фольклор намуналари - достонлар, афсоналар, эртаклар асосида суратга олинган миллий анимацияли фильмларимизнингёш авлод тарбиясидаги ўрниҳақида сўз юритилади.

Аннотация

В этой статье освещается история изучения и роль видов фольклора таких, как эпосов, рассказов, мифов в развитии узбекской национальной анимации. А также значения этих фильмов в воспитании нынешнего подрастающего поколения.

Annotation

This article highlights the history of the study and the role of folklore genres epic literature, story, myth in the development of uzbek national animation. Furthermore, the value of folklore in the education of the current younger generation.

Калит сўзлар:фолклор тарихи, ўзбек анимацияси, халқ оғзаки ижодиёти,достон, эртак, афсона, ёш авлод тарбияси.

Ключевые слова:История фольклора, узбекская национальная анимация, фольклор, эпос, рассказ, миф, воспитание молодёжи.

Key words: History of folklore, Uzbek national animation, folklore, epic literature, story, myth, education of youth.

Миллий истиқлол мафкурамиз кўп миллатли Ўзбекистон халқининг эзгу гоя — озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш йўлидаги асрий орзу-интилишларини акс эттиради. Таълим-тарбия муассасалари, оила, маҳалла қўмиталари, ижтимоий институтларнинг асосий вазифаси — Миллий истиқлол ғоямизни юртимизда яшаётган барча кишиларнинг маънавий бойлигига, дунёқарашининг негизига айланишига қўмаклашиш, унинг моҳиятини кенг жамоатчиликка ҳар томонлама тушунтиришдан иборат. Тажриба-тадқиқот мобайнида тарбиявий ишларни ташкил этиш методикасидан унумли фойдаланиш талаб этилди. Халқ оғзаки ижодида кўп куйланган Қизжибекдаги бош қаҳрамонлар, Алпомишнинг шиҷоати, Жалолиддин Мангубердининг матонати Марказий Осиёда ва дунё халқлари учун намуна сифатидаги ёрқин мисоллардир.Халқ оғзаки ижоди — фольклор ҳамма замонларда ҳам ижод сарчашмаси ҳисобланиб келади¹.

«Фольклор» атамаси инглизча сўздан олинган бўлиб, «халқ донолиги», «халқ донишмандлиги» маъноларини англатади. Бу атама биринчи маротаба 1846 йилда Вилям Томс томонидан қўлланган ва бугунги кунда жаҳон илму фанида халқ ижоди тушунчасини билдиради². Ўзбек фольклори хилма-хил жанрлардан таркиб топган беҳад қадимий сўз санъати бўлиб, унда ўтмишда яшаган аждодларимизнинг туриш-турмуши, дунёқараши ва эътиқоди, кураш ва мағлубиятлари ифодаланган. В.М.Миллер халқ ижодиётига «халқшуносликнинг таркибий қисми»³ сифатида қараб, унинг халқ расм-русумларини ифодалаган этнографик моҳиятини таъкидлайди.

Шу боисдан йиллар ўтсада фольклорнинг бетакрор сўз санъати сифатидаги муҳим аҳамияти мустаҳкамланиб, болажонлар учун анимацион

¹Qodirova D.M.Xalq og'zaki ijodi namunalarida milliy qadriyatlarning talqin qilinishi. Филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш ёзилган диссертация. - Т.: 2013.-1-2 66.

²Ўзбекистон халқ оғзаки ижодиети. Самарқанд.- 2015.- 6-8 б.

³ Миллер V.F. Лекции по истории русской народной словесности. М., 1911.

фильмлар кўринишида, янгича талқинда намоён бўлиб келмоқда. Негаки, халқ оғзаки ижодининг мазмун моҳиятини, асрлар сил-силасида сайқалланиб келаётган халқ меросини ёш авлод онг-у шуурига етказиб бериш бугунги куннинг муҳим ва долзарб вазифаларидан биридир. Шу сабабли, бугун шиддат билан ривожланиб бораётган глобализация замонида кучли интелектуал салоҳиятга эга бўлган ёшлар учун халқ оғзаки ижодиети намуналарини анимацион фильмлар кўринишида етказиб бериш мақсадга мувофиқ бўлиб, миллий анъаналаримиз руҳида яратилган анимацияли фильмларга талаб ошиб бормоқда.

Фольклор кўплаб турли жанрларни ўз ичига қамраб олган бўлиб, улардан миллий қадриятларимизни акс эттирган мультипликацион фильмлар яратишида кенг кўламда фойдаланиб келинади. Мисол тариқасида эртаклар, афсоналар, достонлар сюжетлари асосида яратилган туркум мультипликацион асарларни келтириш мумкин. Маънавиятимизга, урф одатимиз, умумбашарий қадриятларимизга мос мультфильмлар болаларимиз онгига Алпомишдек алпқомат, жасур бўлиш, Зумраддек ҳаёли, иболи, меҳрибон бўлиш, ожизларга кўмак бериш, каттага ҳурматда, кичикка иззатда бўлиш, бева-бечораларнинг оғирини енгил қилиш каби инсоний фазилатларни сингдиради.

Фольклорнинг энг қадимий ва қизиқарли жанрларидан бири **достон** - халқ оғзаки ижодининг энг мураккаб, йирик ва кенг тарқалган жанрларидан бири. Достон сўзи қисса, ҳикоя, шону шухрат, саргузашт, таъриф ва мақтов маъноларида ишлатилади. Халқ достонларини дўмбира жўрлигига ижро этувчи ва куйловчи санъаткор шоир ёки бахши деб аталган. Халқ достонларини ижро этиш услугига қўра Булунғур, Шаҳрисабз, Шеробод, Жанубий Тожикистон ва Хоразм достончилик мактаблари мавжуддир. Фольклоршунослар томонидан ўзбек халқ баҳшиларининг айтиб туриши асосида 150дан ортиқ (вариантлари билан 400 дан ортиқ) достонлар ёзилб олинган бўлиб, уларнинг кўпчилиги китоб ҳолида нашр қилинган.

Достончилик намуналаридан миллий анимацион фильмларимизни яратишида ҳам фойдаланиб келинмоқда. Мисол учун, халқ оғзаки ижодиёти дурдонаси асосида, режиссёр Н.Тўлахўжаевнинг олти қисмдан иборат “Алпомиш” анимацион фильми машҳур достон воқеалари асосида яратилган бўлиб, у болалар тафаккурини бойитишида муҳим тарбиявий аҳамиятга эга. “Алпомиш” минг йил аввал аждодларимиз яратган, оғиздан-оғизга ўтиб, бизгача етиб келган достон бўлиб, унинг қаҳрамони умумлашма образдир. Шу достон асосида мультбирлашмада суратга олинган “Алпомиш” йирик эпик фильмида абадий умумбашарий қадриятлар – ватанга муҳаббат, садоқат ва соғ севги ҳақида ҳикоя қилинади. Айтиш лозимки, бу ҳолат миллий меросимизнинг анимация санъати орқали келгуси авлодларга етиб боришини таъминлайди⁴.

Бундан ташқари, миллий халқ эртаклари асосида ҳам болалар тарбиясида, уларнинг баркамол инсон сифатида камол топишида муносиб ўрин тутувчи қўплаб анимацияли фильmlар суратга олинган. Эртак – ҳаёт ҳақиқатига асосланган, хаёлот ва фантастика хусусиятлари билан йўғрилган, одамларга ибрат, ўгит берувчи оғзаки ҳикоялардан иборат бўлган фольклор жанри ҳисобланади. Ўзбеклар ўртасида эртаклар варсоқ, чўпчак, масала каби атамалар билан юритилади. Халқ эртаклари эл-юртни кўз қорачигидай авайлаб-асрагувчи ажойиб ватанпарвар қаҳрамонларни улуғлади; аёлларнинг ҳақ-хуқуқини ҳимоя қилди; осмонда учишни, ойга етишни орзу қилди, „Ойнайи жаҳон“лари орқали ер юзида бўлаётган воқеаларни билиб турди, узоқни яқин қилди; “Очил дастурхон“лари билан ноз-у неъматлар яратди; “Подачининг қизи”, “Зумрад ва Қиммат”, “Ота васияти”, “Кўк қўчкор”, “Уч оғайни ботирлар”, “Камбағал-қашшоқ” каби эртаклар асосида яратилган мультфильмлар орқали нафақат болалар, балки кишилар ҳарактеридаги ярамас одатларни, номаълум, номаъқул ҳислатларни танқид остиига олди;

⁴Ҳайдарова Нигора. Баркамол авлод тарбиясида анимацион фильмларнинг аҳамияти.-6-8 б.

мардлик, эпчиллик, довюраклик, меҳнатсеварлик, ҳалоллик, вафодорлик, тўғрилиқ, саҳийлик ғояларини илгари сурди, улуғлади.

Бундан ташқари фольклорнинг латифа жанри ҳам миллий руҳдаги анимацион фильмлар яратишда муҳим асос бўлиб хизмат қилиб келмоқда. **Латифа** - ҳалқ оғзаки ижодининг энг оммавий жанрларидан бири бўлиб, нозик, майин киноя, қочириқлар иштирок этувчи кулгули, кичик ҳажмли ҳикоялар. Ҳалқ ўртасида афанди деб ҳам юритилади. Айнан Насриддин Афанди ҳангомалари асосида ишланган миллий анимацион фильмлар болаларда ҳар қандай шароитда ҳам кулгу ва юмористик ҳаракатлар билан улар ҳаётда дуч келиши мумкин бўлган муаммоларни ҳал эта олишларида муҳим тарбиявий аҳамият касб этади. Мультфильмда сюжет ривожи болажонларга янада ёрқинроқ ва аниқ бир воқеликни ифодалаб беришга катта хизмат қиласи. Замонавий ўзбек мультфильмлари бугунги кунда кенг камровли сюжетларни ўз ичига қамраб олаётганлиги эътиборли.

Ҳалқимиз бой тарихи, урф-одат, анъана, маросимлари шунчалар такрорланмас бетакрор-ки, бугунга қадар тилдан тилга ўтиб жамиятимиз аъзолари маънавий-маданий савиясини ошириб келмоқда. Жумладан, Широқ жасорати, Тўмарис матонати куйга солинган афсоналар асосида яратилган мультфильмлар ҳам ўсиб униб келаётган ёш авлод тарбиясида муҳим аҳамият касб этди. Чунки, ушбу афсоналар ва улар асосида яратилган анимацияли фильмлар орқали болаларда ватанга муҳаббат, юрга, ҳалққа садоқат, туғилиб ўсан маконининг ҳар бир қарич тупроғини кўз қорачиғидек асраш каби туйғулар шаклланади.

Бугунги кунга келиб замонавий ўзбек анимацияли фильмлар ҳам маънавий бойлигимизга айланиб улгурди. Ўзбек анимацияли фильмлар ва мультфильм асарлари маълум маънода ҳалқ бадиий даҳосининг изчил тарихий-тадрижий ривожини ўзида мужассам этган маънавий қадрият намунаси хисобланади. Ҳалқимизнинг турмуш тарзи, бетакрор миллий анъаналари, урф-одатлари, табиат ва жамиятга бўлган муносабати миллий

мультфильмларда ўз аксини топган. Маънавий мерос халқнинг моддий бойликлари билан бир қаторда турувчи миллий қадриятлардан биридир.

Анимацияли фильмларда акс эттирилаётган турли мавзуларга бугунги кунда долзарб масала сифатида қаралмоқда. Турли жанрларда жаҳон экранларида намойиш этилаётган фильмлар болалар онгига таъсир этмай қўймайди. Ҳозирги кун болалари эртакларга деярли мурожаат этмай қўйганлиги ва ўзбек миллий қадриятларимизни тамоман чет эл менталитети билан алмаштириб қўяётганлиги ачинарли ҳол албатта. Аммо, баъзи ўзбек мультфильмлари ҳам борки, улар намойиши вақтида нафақат болажонлар, балки катталар ҳам экран қаршисидан кета олишмайди. Негаки, уларда аксар ҳолатларда ўзликни англаш, урф-одатлар, қизлардаги нозиклик ўзига хос услугуб ва воситаларда бадиий талқинини топган, яратилаётган образларда улар тўлалигича очиб берилган.

Бугунги ахборот асида асосий эътиборни миллий маҳсулотларни кўпайтириш, хориждан кириб келаётган турли мультфильмлардан ҳимояланишга қаратиш ва шу асосда ёш авлодни маънавий баркамол қилиб тарбиялаш лозим⁵. Бунда эса халқ турмуши, қадриятларининг ёрқин кўзгуси бўлган фольклор асарлари алоҳида ўрин тутади. Шундай экан, маънан етук, жисмонан баркамол авлодни тарбиялашда, турли хил ёт ғоялардан уларни муҳофаза қилишда миллий анъаналаримиз, меросимизни болалар онгига уларга мос ва хос йўллар билан етказиб бериш бугунги куннинг олдида турган муҳим вазифалардан биридир.

Тарихий маданиятимизни ўзида акс эттирган миллий анимацияли фильмларимиз эса бу борада мукаммал қўлланма бўлиб хизмат қиласди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон халқ оғзаки ижодиёти. Самарқанд. 2015. 6-8 б.
2. Миллер V.F. Лекции по истории русской народной словесности. М., 1911.
8 б.

⁵Хайдарова нигора//Баркамол авлод тарбиясида анимацион фильмларнинг ахамияти.

3.Qodirova D.M.Xalq og'zaki ijodi namunalarida milliy qadriyatlarning talqin qilinishi. Филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш ёзилган диссертация. - Т.: 2013.

4. Раҳматуллаева Д.Н. Замонавий саҳна санъати ва комил инсонни тарбиялаш муаммоси // Шахс маънавиятини шакллантиришда санъат ва маданиятнинг роли // Республика илмий-назарий ва амалий конференция материаллари., Т.: «Навruz».- 2015 й., 109-112 бб.

5. Хайдарова Нигора. Баркамол авлод тарбиясида анимацион фильмларнинг аҳамияти.б б.

**Камолиддин Беҳзод номидаги МРДИ магистратура босқичи
“Мультфильм ва компьютер мультипликацияси” ихтисослиги Пкурс
талабаси Ёрматов Аброрнинг “Халқ оғзаки ижодиётининг миллий
анимацион фильмлар яратишдаги ахамияти” номли мақоласига**

ТАҚРИЗ

Ёрматов Аброрнинг “Халқ оғзаки ижодиётининг миллий анимацион фильмлар яратишдаги ахамияти” номли мақола ўзбек миллий фолькорининг анимация санъатида тутган ўрни масалаларига бағишиланган. Ушбу мақолада халқ оғзаки ижодининг ўрганиш тарихи ҳамда бугунги кунда ўзбек анимацияси ривожида тутган ўрни, шунингдек тарихий маданиятимизни ўзида акс эттирган фолклор намуналари асосида суратга олинган миллий анимацияли фильмларимиз ёш авлод тарбиясидаги ахамияти ҳақида сўз юритилган. Шубҳасиз, магистрант мақолани мавжуд манбаларга таяниб ёзган. Бу борада мавжуд манбаларни ўрганган ва улар асосида фикрларини асослашга ҳаракат қилган. Мақола муаллифи ўзбек анимация санъати ривожида муҳим манба бўлган фользор, у асосида яратилган фильмлар, уларда эришилган ютуқлар салмоғи ҳақида умумлаштирувчи фикрлар берган.

Мақола нашрга тавсия этилади.

Илмий раҳбар: санъатшунослик

фанлари доктори, профессор Д.Н. Раҳматуллаева

